

1-мавзу: ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ. ТАДҚИҚОДЛАР ТАРИХИ.

Режа:

- 1. *Фаннинг мақсади ва вазифалари.***
- 2. *Тадқиқотлар тарихи.***
- 3. *Илмий текшириш муассасаларининг турлари.***

1.Фаннинг мақсади ва вазифалари.

Фанни ўқитишдан мақсад-қишлоқ хўжалик соҳасидаги экспериментларни лойihalаштириш, ўтказиш, олинган натижаларни умумлаштириш, энг яхши усулларни ва навларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича назарий ва амалий билимлар бериш.

Фаннинг вазифаси – илмий-агрономиянинг усуллари, экспериментларни лойihalаштириш, қўйиш ўтказиш, олинган натижаларни умулаштириш, хулоса қилиш, энг яхши агротехник усулларни ва навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлларини ўргатиш.

Агрономия серқиррали фан. У қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосил маҳсулдорлиги ва сифатини оширишнинг назарий асослари ва агротехник усуллари ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу вазифаларни бажаришда илмий билимларни доимий равишда кенгайтириб бориш, ўсимликларнинг янги шакл ва навларини чиқариш, уларни етиштиришнинг агротехник усуллари такомиллаштириш керак бўлади.

2. Тадқиқотлар тарихи.

Хар бир фанни ўрганишда унинг тарихи билан танишиш муҳимдир. Чунки тарихсиз фаннинг ўзи ҳам бўлмайди. Инсон фикрлай бошлагандан буён ўсимликларни ташки муҳит ўзгаришига қараб унинг ҳолати ўзгаришини кузатган. Масалан: тупрокни ишлаш, суғориш, ўғитлаш ва бошқа омиллар экинларнинг ҳолатини ўзгартириб, ҳосилдорликка ва унинг сифатига таъсир кўрсатади.

Инсон ўсимликларни ўстира бошлагандан буён кузатиш натижасида тажрибасини бойитиб борган. Халқлар тажрибаси - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий билим манбаи бўлган.

Илмий текшириш асослари фани ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида турли мамлакатларда турли вақтларда руёбга келган. ХВИИИ асрнинг охири XIX асрнинг бошларига келиб илмий агрономия (зиرواتшунослик) шаклланди. Тажрибалар ўтказиш йўллари билан ўсимликларнинг озикланиш қонунлари ишлаб чиқилди. Илмий агрономиянинг бир тармоғи сифатида тадқиқот ишлари ҳам ривожланди. Сўнгрок тажрибаларнинг ўзи инсонни қониктирмай қўйди, унинг талаби асосида чуқур илмий ишларни ривожлантиришга эҳтиёж туғилди ва шу билан

бирга махсус шуғулланувчи кишилар бўлишини талаб этди. Кишлоқ хўжалик тажрибалари экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга, сифатини яхшилашга қаратилган. Бунинг учун эса тупрок унумдорлигини ошириш зарур бўлиб, тажриба ўтказувчилар аниқ фанлардан кимё, физика, биология ва бошқа фанларнинг қонунларини ва ютуқларини амалда қўллаш бошладилар.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ва чет давлатларда илмий агрономия мустақил фан сифатида шаклланишига шарт-шароитлар яратилди. Аста секинлик билан агрономик тажрибалар, тажриба майдонлари, сўнгрок участка, тажриба станциялари, илмий текшириш институтлари ва кишлоқ хўжалик академиялари вужудга келди. Айниқса, бу жараён иқтисодий ривожланган мамлакатларда қучли авж олиб, Франция, Германия, Англия, АКШда тажриба ишлари кенг қўламда ривожланган.

Франция Эуропада агрономик тадқиқотлар ўтказиш франтсуз олими Ж.Б.Бусенго номи билан боғлиқ. У 1834 йилдан вегетатсион ва дала тажрибаларини ўтказиш бошлади. Олим ўсимлик тўғрисидаги фикрларни ўзидан қидириш лозимлигини таъкидлаган эди.

1818 йилда биринчи бўлиб дуққали ўсимликлар хаводан азотни ўзлаштириб, туганакларига азотни тўплашини айтиб ўтади ва мана шу Н моддасини лаборатория шароитида Келдале аппаратида аниқлашни ихтиро қилади. Ҳозирга қадар бу бизда қўлланилаб келинмоқда.

1852 йилда Германиянинг Манкери шаҳрида биринчи тажриба станцияси ташкил этилди. 1878 йилда Гелле университетида ўғитлар билан кўп йиллик тажрибалар бошланиб, узок йиллар мобайнида давом этган.

ХИХ асрнинг сўнги йилларида Эропанинг бошқа жойларида, шунингдек, АКШда тажриба станциялари вужудга келди.

Россияда дастлабки тадқиқот ишлари рус академиги М.В.Ломоносов томонидан ташкил қилинди. Ломоносов - «1000 та мулоҳазадан битта тажриба афзал» деган эди ва у кўпчилиқни тажриба ўтказишга чақиради. Аммо Россияда ўша пайтдаги крепостной тузум тажриба ишларига тўсқинлик қилади.

1821 йилда Бутирда тажриба станцияси ташкил этилди ва унда алмашлаб экиш ҳамда машина қуролларини синаш бўйича тажрибалар ўтказилган.

1865 йилда Полтава шаҳрида биринчи тажриба станцияси ташкил этилди. Ўша йили Тимирязев номидаги кишлоқ хўжалик академияси очилди. У фан маркази бўлди. Дастлабки дала тажрибаларни Д.Н.Менделеев тузган услубда Тимирязев ўтказган. У кейинроқ биринчи вегетатсион уйчасини қурди.

Илмий агрономиянинг ривожланиши Н.Энгелгард номи билан боғлиқ. У 1871 йилда биринчи марта фосфоритни ўғит сифатида қўллашни таклиф этди. Сўнгрок Смоленскийда Энгелгард номидаги тажриба станцияси ташкил этилди.

И.А.Стебут дала тажрибаларини ўтказишнинг дастлабки тарғиботчи бўлиб, у ТСХА дехқончилик кафедрасининг мудири бўлган. Стебут

Тимирязев билан тажриба теплитсасини куришни ташкил этган, кейинчалик Д.Н.Прянишниковга берилган.

А.Г.Дояренко ушбу фанни биринчи бўлиб 1906 йилда ТСХА да ўқийди ва буни 1907 йилда кишлок хўжалик ходимларининг илғорлар съездида ҳамда дала тажриба ишлари хусусида ўтказилган съездда шу фанни ўқитишни тавсия этади. Сўнгра бу фан ҳамма кишлок хўжалик институтларида ўқитила бошланди.

1900-1903 йилларда кўпгина тажриба стантсиялари курилди, шунингдек Ўзбекистонда 1903 йилларда бир канча таянч нукталар ва стантсиялар курилди. Асосан тажриба ишларининг ривожланиши октябр инкилобидан кейин бўлди. 1923 йилда Н.И.Вавилов бошчилигида Марказий давлат институти ташкил этилди. Бир йилдан сўнг у Бутуниттифок ўсимликшунослик илмий текшириш институтига (ВИР) айлантирилди.

1929 йилда ВАСХНИЛ (Бутуниттифок кишлок хўжалик фанлар академияси) ташкил килинди. Унга биринчи президент килиб Н.И.Вавилов сайланди. Бу академия мамлакатдаги ҳамма илмий текшириш институтлари устидан рахбарлик килган.

Пахтачилик- Тошкент якинида дастлабки Пахтачилик фирмаси, кейинрок эса пахта тажриба даласи ташкил этилди. 1884 йилдан бошлаб Туркистонда кўплаб Америка пахтаси экила бошлади ва хосилдорлик бўйича эса бу навлар биринчи ўринга кўтарилди.

Россия хукумати ўлкада бир канча тадбирларни ишлаб чиқди. Шулардан бири 1890 йилларда ташкил этилган Пахта ишлари бўйича Департаменти (ПЖД)дир. ПЖД ўлкада кишлок хўжалигида пахтанинг тутган ўрнига ниҳоятда катта эътибор берди, шунинг учун ҳам бу эрда табиий шароитни, пахта этиштиришни илмий жихатдан кузатишга алоҳида эътибор қаратди. 1890 йилда ўлкага келган В.И.Масалский ўзининг «Ўрта Осиёда пахта иши» номли илмий ишида Туркистон пахтасига биринчи бор кенг, батафсил тавсиф берган.

Андижон шаҳрида ташкил этилган тажриба майдони Фарғона водийсидаги биринчи майдон бўлиб, у 1900 йилдан ўз ишини бошлади. Худди шу йилларда Тошкент якинида Туркистон кишлок хўжалик тажриба стантсияси ташкил этилди. Уларнинг максоди - пахта эгаларини пахтанинг янги навлари билан таништириш, ғўзага ишлов беришнинг янги усулларини ишлаб чиқишдан иборат эди.

Пахтачиликни юксалтириш, пахта хосилдорлигини ошириш, сифатли хом-ашё этиштириш кўп жихатдан уруғчиликка боғликлиги ва шу соҳада олиб бориладиган илмий текшириш ишлари, уларнинг натижаларига боғликлигини эътиборга олиб, 1920-1926 йилларда Туркистон селектсия стантсияси, Окковок тажриба заводи ташкил этилди.

Пахта этиштиришнинг муҳим манбаи суғориш эканлигини ҳисобга олиб, давлат энг аввало, ирригатсия иншоотларини куришга катта эътибор берди. 1926 йилда Ўрта Осиёда биринчи марта сув хўжалик тажриба тадқиқот институти ташкил этилди. 1932 йилда бу институт Ўрта Осиё ирригатсия илмий тадқиқот институтига айлантирилди ва бир қатор ишлар амалга

оширилди. 1929 йилнинг июл ойида Тошкентда ташкил этилган Бутуниттифок пахтачилик илмий текшириш институти катта ишларни амалга оширди.

Янги пахта навларини яратиш, уларни тажрибалардан ўтказишга Н.И.Вавилов, С.М.Букасов, П.М.Жуковский, Г.С.Зайтсев, Н.Н.Канстантинов, Ф.М.Мауер ва шу каби машхур олимлар жуда катта хисса қўшганлар.

Бахорикор дехкончилик- институти 1937 йилда Милютинскийда (Ғаллаорол) ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси суғориладиган лалмикор зоналарда донли ва полиз экинлари этиштиришдир.

Шоличилик-1926 йилда Тошкент вилоятининг Чирчик туманида шоличилик тажриба станцияси ташкил этилди. Станциянинг вазифаси шолининг янги навларини яратиш, унинг уруғчилиги ва агротехикасини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишдир.

Сабзавот ва полиз экинлари-1933 йилда Тошкентда сабзавотчилик тажриба станцияси ташкил қилинди. 1950 йилларга келиб илмий текшириш институтига айлантирилди. Хар бир вилоятда полизчилик, сабзавотчилик ва картошкачилик илмий текшириш тармоқлари ва станциялари мавжуд.

Боғдорчилик ва узумчилик-1930 йилда Тошкент яқинида Шредер номи тажриба станцияси ташкил этилди. Уруш йиллари ва ундан кейин шу станциянинг тармоғи Самарқандда ҳам барпо этилган.

Ипакчилик-1927 йилда Ўрта Осиё илмий текшириш ипакчилик институти ташкил қилинган. Бу институт ипак куртининг янги зотларини чиқариш, тут дарахтининг янги навларини яратиш, пиллага дастлабки ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш, пилла хосили ва сифатини яхшилаш билан шуғулланадилар.

Ўрмон хўжалиги-1933 йилда Тошкентда Ўрта Осиё марказлашган ўрмончилик илмий тажриба станцияси ташкил этилди. Бунга Туркманистон, Тожикистон тажриба станциялари ҳам кирар эди. 1934 йилда Ўзбекистон ўрмончилик тажриба станцияси ажралиб чиқди ва 1940 йилда Ўзбекистон агроўрмон мелиоратсияси ва ўрмон хўжалиги илмий текшириш институти номи берилди. Бу илмий текшириш институтининг ҳамма вилоятларда ўрмончилик хўжаликлари мавжуд.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларигача Марказий Осиёда илмий тадқиқот муассасалари жуда кам бўлган. 1921-1926 йилларда Туркистон селекция станцияси, сунгра Марказий селекция станцияси ташкил этилган, кейинчалик у Селекция институтига айлантирилди. Шунингдек Оққовок тажриба станцияси, ўғитлаш станцияси, машиналарни синаш станцияси, тупроқшунослик, сув хўжалиги институтлари, пахта тажриба заводи ва бошқалар ташкил этилди.

ЎЗПИТИ 1929 йилнинг 18-июлида ташкил этилган. ЎЗПИТИ ва унинг вилоятлардаги филиаллари пахтачилик соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади.

1954-йилда Ўрта Осиё суғориладиган дехқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш илмий текшириш институти ташкил этилган.

Лалмикор деҳқончилик институти 1937-йилда ташкил этилган. Бу институт баҳорикор деҳқончиликнинг агротехникаси ва ана шу шароит учун навлар яратиш билан шуғулланади.

Шоличилик институти 1926-йилда ташкил этилган. Институтнинг вазифаси шолининг янги навларини яратиш ва шоли уруғчилиги, шоличиликда экинларни навбатлаб экиш, ва бошқа шоличилик масалаларини илмий жихатдан ишлаб чиқишдан иборат.

Сабзавотчилик тажриба станцияси 1933 йилда ташкил этилиб кейинчалик илмий тадқиқот институтига айлантирилган.

Луб экинлари бўйича илмий тадқиқот ишлари 1930 йилда Ўзбекистон луб экинлари станцияси томонидан бошланган.

Р.Р.Шредр номидаги Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1930 йилда ташкил этилган. Бу давргача институт ўрнида Туркистон, кейинчалик Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги станцияси илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Чорвачилик бўйича биринчи илмий тадқиқот ишларини 1921 йилда ЎОДУ нинг чорвачилик кафедраси олиб борган. 1926 йилда Каттақурғон қоракўлчилик станцияси, 1928 йилда Бухоро қоракўл кўйлари наслчилик станцияси ташкил этилган. 1933 йилда Ўзбекистон чорвачилик тажриба станцияси ташкил этилди. 1932 йилда Ўрта осие йилқичилик станцияси, кейинчалик Қорақалпоғистон чорвачилик тажриба станциялари ташкил этилди. Бу учта ташкилот асосида 1940 йилда Чорвачилик илмий текшириш институти ташкил этилган.

Тошкент ипакчилик стацияси 1925 йилда ташкил этилган. Бу станция 1927 йилда Ипакчилик институтига айлантирилган.

Ўрта Осие ўрмончилик станцияси 1933 йилда ташкил этилди. Бу станция 1940 йилда Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий текшириш институтига айлантирилди.

3. Илмий текшириш муассасаларининг турлари

Илмий тадқиқот муассасалари тузилиши бўйича уч бўғиндан иборат. 1. Бош ва соҳа институтлари (Ўсимликшунослик, ЎзПИТИ). 2. Вилоят станциялари. 3. Туман станциялари ва лабораториялари.

Махсус илмий тадқиқот муассасаларидан ташқари илмий тадқиқот ишлари билан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари ҳам шуғулланади. Илмий тадқиқот ишлари уларнинг илмий лабораториялари, тажриба далалари ва ўқув- тажриба хўжаликларида олиб борилади.

Саволлар:

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари ҳақида гапиринг.
2. Ўзбекистондаги илмий тадқиқотлар тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Илмий текшириш муассасаларининг турлари ҳақида гапиринг.